

Xabar

22
(1028)-son

1-iyun

www.xabar.uz
info@xabar.uz


2012

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Азал-азалдан халкимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Мустаҳкам оила — жамият таянчи



ТАТУнинг Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманида жойлашган дам олиш масканида республика оилавий мусобақаларининг финал босқичи ўтказилди.

14-бет

Сўнги янгилик!

Жаҳон интернет ҳамжамиятида мавқеи пасайиб бораётган Yahoo компанияси вазиятдан чиқишнинг ўзига хос йўлини танлади: интернет-қидирув тизими Axis браузерини ишлаб чиқишга киришди. Компания баёнотида, бошқа браузерлардан фарqli равишда, Axis интернетдаги маълумотларни кўришга янада қулайлаштирувчи визуал тизимга эгаллиги айтилади.

Ўтган hafta Apple App Storeда Axisнинг биринчи талқини пайдо бўлди.

Бу мобил браузер хозирча iPhone, iPad ва iPod Touch қурилмалари учун мўлжалланган.



Алоқа оламида

Ушбу сонда:

| | |
|--|----|
| Дахлдорлик туйғуси | 2 |
| 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни | 3 |
| История Хорезма на электронном диске | 6 |
| Куваликларнинг "Еттинчи" қизи | 13 |
| Ёшлик ва нафосат тантанаси | 15 |
| Нотариал ҳаракат | 16 |

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Umadan umagacha

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор эълон қилинди.

Самарқандда инновацион ишланмаларнинг ҳудудий кўرғазмаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус, Қишлоқ хўжалиги вазирликлари тасарруфидоги илмий тадқиқот институтлари, шунингдек, Самарқанд, Бухоро ҳамда Жиззах вилоятларидаги ўқув даргоҳлари олимларининг 150дан зиёд ишланмалари намойиш этилди.

Юртимизда "Sen Yolg'iz Emassan" республика жамоатчилиги болалар жағмағмаси томонидан "Хар бир фарзанда — меҳр, эътибор" ҳафталиги ўтказилмоқда. Мазкур ҳафталик доирасида пойтахтимиздаги "Тошкент-ленд" истирохат боғида Меҳрибонлик уйлари, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятидаги "SOS — Болалар маҳаллари" тарбияланувчилари ҳамда махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари учун байрам тадбири ташкил этилди.

Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти мусикали драма театрида "Миллатларо тотовлик ва диний бағрикенглик — таракқиёт омили" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди. Ушбу тадбир Сирдарёдаги миллий маданият марказлар фаолиятини акс эттирувчи кўрғазма билан бошланди. Унда бешта миллий маданият маркази томонидан турли хунармандчилик маҳсулотлари, либослар ҳамда таомлар намойиш этилди.

Жиззах вилоятининг шаҳар ва туманларида "Биз — буюк юрт фарзандларимиз" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллиги олдинда вилоят ҳокимлиги ҳамда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу акцияда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари ва фаол ёшлар иштирок этишди.

Бухоро шаҳридаги санъат музейида "Бухоро музейлари дурдоналари" номидаги кўрғазма очилди. Бухоро давлат бадий-меморчилик музей-қўриқхонаси ҳамда "Бухоро музей-қўриқхонаси дўстлари" нодавлат-нотижорат ташкилот ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур экспозиция санъат ихлосмандлари ва хорижлик сайёҳларнинг катта кизиқиларига сабаб бўлди.

Шанхай университетидида дунёнинг турли мамлакатларидан келган талабалар ўртасидаги маданият алоқалар ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш мақсадида ярмарка ўтказилди. Анъанавий ташкил этиладиган мазкур тадбирда мамлакатимиздан ҳам вакиллар катнашди. Хусусан, анжуман доирасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салохияти ва маданият-тарихий меросининг тақдироти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Хайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Ишанходжаев олиб борди.

Кун тартибидида: Соҳа касб-хунар коллежлари билан ҳамкорлик масаласи

Хайъатда "Агентликнинг 2011 йил 26 октябрдаги "ЎзААА тизимидаги акциядорлик компаниялари, жамиятлари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ТАТУ ҳамда соҳа йўналишидаги КХКлар билан ҳамкорликда амалга оширадиган тадбирлари ҳақида"ги 312-буйруғининг ижроси тўғрисида"ги масала селектор орқали кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Агентликнинг таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва инновацион технологиялар бўлими бошлиғи Ф.Арипжонов ахборот берди. Ахборотчи тизимдаги корхона ва ташкилотлар томонидан 2012 йилда соҳа йўналишидаги касб-хунар коллежлари (КХК) моддий-техник базасини ривожлантириш учун 742,8 млн. сўм миқдоридида маблағ ажратиш режалаштирилганлигини, шу кунга қадар 462 млн. сўм миқдоридида ишлар амалга оширилганлигини маълум қилди. Жумладан, КХКда компютер синфлари ташкил этилган ва керакли оргтехника воситалари билан таъминланган, таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Соҳа йўналишидаги касб-хунар коллежлари ўқитувчилари замонавий

ахборот технологиялари бўйича малакаларини оширдилар. Жумладан, L-Plata ўқув тўплами асосида "АВР микроконтроллерлари учун дастурлаш", "Электроника ва электротехника йўналишларида виртуал лаборатория тўпламидан дарс жараёнида фойдаланиш" мавзусида ўқув семинарлари ташкил қилинди ҳамда 36та КХКга тўрт донадан L-Plata ўқув ва виртуал лаборатория тўплами тақдим этилди. Шу кунга қадар КХКда ТАТУ ва унинг филиалларининг жами 147 нафар профессор-ўқитувчиси маърузалар қилишган.

Агентлик тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ТАТУ ва КХК талаба ва ўқувчилари учун назарий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида ҳомийлик тариқасида 15дан зиёд ўқув амалиёт хоналари ташкил этилди.

Университет ва филиаллар учун ўқув-лабораторияларининг моддий-

КХКда "Устоз-шогирд" тизими орқали соҳа йўналишидаги жами 14240 нафар битирувчи билан икки томонлама шартномалар имзоланган бўлиб, ҳозирги кунда ишлаб чиқариш амалиёти ўтказилмоқда.

Мухтарам Президентимиз шу йил 9 май куни мамлакатимиз пойтахтида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда иштирок этиб, оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида маънавий-мафкуравий ишларни янада жонлантириш борасидаги энг муҳим вазифа ва дастурий йўналишларни белгилаб берди.

Кенг жамоатчилик эътиборлар руҳига ҳурмат бажо келтириш, кекса авлодни қадрлаш, улардан ибрат олиш, юртимиздаги тинчлик ва фаровонликнинг қадрига етиш, шукроналик келтириб яшаш, муҳис уруш азоб-уқубатларининг тақдорларига йўл қўймаслик, жамоатчилик, айниқса, ёшлар оғида фашизм, миллатчилик каби иллатларга нафрат туйғусини қучайтириш, жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси билан яшаш, инсон омилига алоҳида эътибор қаратиш, одамларнинг маънавий дунёсини, келажакка ишонч туйғусини ошириш, давлат томонидан ёш авлод тарбиясига эътибор ва ғамхўрликни янада қучайтириш каби

Дахлдорлик туйғуси

инсонпарвар ғоялар ана шу йўналишлар жумласидандир.

Айни кунларда республикаимиздаги ташкилот, муассаса, ўқув юрларида Кўрбошимизнинг чиқиши ва ундан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Янгиқўрғон алоқа ва компютер технологиялари касб-хунар коллежиди бўлиб ўтди. Мазкур учрашув жонли мулоқот тарзида ўтказилди.

Учрашувда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Наманган филиали директори, юридик фанлари номзоди З.Воҳидов Кўрбошимизнинг Хотира майдонидаги суҳбати чоғида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага 67 йил бўлишига қарамадан жаҳоннинг айрим ҳудудларида фашизм деган оғат яна илдиэ отаётгани, миллатчилик каби хавфли бало тобора тарқалиб бораётгани, бундай хавфхатарларни сезмаслик, кўрмаслик, уларга нисбатан бепарво бўлиб яшаш асло мумкин эмаслиги ҳақида қуйи-

HAY'AT YIG'ILISHIDA

TOSHKENT ALOQA
KASB - HUNAR
KOLLEJI

техник базасини замонавий қурилмалар билан жиҳозлаш мақсадида 12та фандан 36та лаборатория комплексларини харид қилиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда ТАТУда 59 миллион сўмлик учта инновацион лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу инновацион лойиҳаларни амалга оширишда етти КХКдан 14 нафар ўқитувчи иштирок этмоқда.

Йиғилишда "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" давлат унитар корхонаси радиотелевизион станцияларининг бетўхтов электроэнергия билан таъминланиш ҳолати тўғрисидаги масала бўйича "РРТМ" ДУК бош директори Ф.Зияев ахборот берди. Ахборотчи "РРТМ" ДУК радиотелевизион станцияларининг бетўхтов электроэнергия билан таъминланиш ҳолати, электр таъминоти тизимини эксплуатация қилиш ва такомиллаштириш масалалари тўғрисида ҳамда юзага чиқаётган муаммо ва камчиликлар, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берди.

Хайъатда қўрилган масалалар батафсил муҳокама этилиб, келгуси вазифалар белгилаб олиниди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди.

ниб гапиргани, ёш авлодни ота-боболар анъаналарини давом эттириб, уларнинг хотираси, бебаҳо меросига нисбатан ҳурмат-эҳтиром, ғурур-ифтихор туйғуси билан яшаш миллий ўзига хослигимизнинг асосий белгиси ва ҳал қилувчи шарт эканини алоҳида таъкидлагани, "Бугун ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга қиряпти. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонман", деган сўзлари замирида навоҳин авлодга нисбатан қанчалар меҳр, ишонч ва эътибор мужассам экани ва ёшлар тарбияси учун энг аввало ота-оналар, устоз-мураббийлар масъул бўлиши зарурлиги ҳақида атрофлича тўхтади.

Учрашувда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар, жонажон Ўзбекистонимизнинг буюк келажакни яратишга бор қуч-қайратлари ва билимларини сарфлашларини айтдилар.

Улугбек МАМАТОВ,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ
Наманган филиали бўлим бошлиғи

Эртамыз эгаларини ўйлаб...

Болаларга юртимизда эртамыз эгалари, олиб бораётган бунёдкорлик ишларимизни давом эттирувчилар дея қаралади. Ва шу сабаб уларнинг жисмонан соғлом, маънан баркамол вояга етишлари учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Болаларни ёзги соғломлаштириш масаласи ана шу эътиборнинг бир қиррасидир.

— Фарзандларимиз бизнинг келажагимиз, — дейди Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг маънавий-маърифат ва спорт ишлари бўйича етакчи мутахассиси Суинат Абдуғаниев. — Улар қанчалар баркамол, маънавий юксак, ақлли бўлиб вояга етишса, келажагимиз шунчалар нури, фаровон бўлади. Шунинг учун ҳам уларни ёзги соғломлаштириш масаласига алоҳида эътибор бераймиз. Жумладан, ўтган йилги мавсумда алоқа ходимларининг 6298 нафар фарзанди соҳа тасарруфидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида (Жиззахдаги "Алоқачи" оромгоҳида 362 нафар, Қашқадарёдаги "Алоқачи" оромгоҳида 540 нафар, Бухородаги "Ёш алоқачи" оромгоҳида 430 нафар ва Тошкент вилоятидаги "Алоқачи" оромгоҳида 1435 ва "Нилуфар" оромгоҳида 971 нафар) дам олиш билан бирга ўз зехний салоҳиятларини оширишди. Бу йилги мавсумда 6103 нафар болажон учун оромгоҳлар тахт холга келтирилди.

Биз Тошкент вилоятининг сўлим Бўстонлик туманида жойлашган "Алоқачи" ва "Нилуфар" оромгоҳларидаги тайёргарлик ишлари билан кизиқиб, "Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиали касаба уюшмаси кўмитасида бўлдик.

— Тасарруфимиздаги "Алоқачи" ҳамда "Нилуфар" соғломлаштириш оромгоҳларида мавсумга тайёргарлик ишлари жорий йилнинг март ойидаёқ бошлаб юборилган, — деди филиал касаба уюшмаси кўмитаси раиси Аскар Абдуллаев. — Бу борада ишчи комиссияси тузилиб, аъзолари томонидан бажарилиши лозим бўлган ишлар аниқлаб олинди ва филиал директори томонидан тасдиқланган



"Алоқачи" оромгоҳида ҳар мавсумда 320 нафардан жами 1280 нафар, "Нилуфар" да эса тўрт мавсумда жами 880 нафар болажон дам олдирилиб, соғлиқлари тикланиши режалаштирилган.



маҳсус режа асосида таъмирлаш бошлаб юборилди.

Хар йилгидек, бу йил ҳам "Алоқа-

чи" соғломлаштириш масканида павилионлар сингчилаб текшириб чиқилди ва синган ойналар янгиланиб, бассейни ёнида кийим алмаштириш учун махсус хона ташкил этилди. Икки қаватли корпусдаги деворларнинг кўчган жойлари сувалиб, бўялди ва том қисми қайта таъмирланди. Кўшимча равишда ёнғин хавфсизлигини таъминловчи эшик қўйилди. Шунингдек, ошхона, бассейн, омборхонада ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилди.

"Нилуфар" соғломлаштириш оромгоҳи ҳам олиб борилган таъмирлаш ишларидан сўнг янада баҳаво, чиройли масканга айланди. Хар икки оромгоҳда ҳам анвойи гуллар барк уриб очилиб ётибди.

Бу йилги мавсумда "Нилуфар" да 14 нафар, "Алоқачи" да эса 13 нафар ходим болажонлар хизматида бўлишди. Дам олувчилар кўп бўлиши ҳисобга олиниб, 13та икки ойлик иш ўрни ташкил этилди.

— Оромгоҳларимиз тоғ бағрида жойлашганлиги сабаб, хавоси тоза. Овқатларимиз рақсон хилма хил бўлишига ҳаракат қиляпмиз, — дейди Аскар Абдуллаев. — Шу сабаб дам олишга келаётган болалар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу йил "Алоқачи" оромгоҳида ҳар мавсумда 320 нафардан жами 1280 нафар, "Нилуфар" да эса тўрт мавсумда жами 880 нафар болажон дам олдирилиб, соғлиқлари тикланиши режалаштирилган.

Муборак МИРКАМОЛОВА



Баҳор болалар нигоҳида

Болалик инсон ҳаётининг энг беғубор, бетакрор даври ҳисобланади. Бу даврда табиат ҳам, ундаги набототу ҳайвонот дунёси ҳам сирли ва фарахли бўлиб акс этади улар нигоҳида. Бу Мустаҳкам оила йили ҳамда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан "UNICON.UZ" давлат унитар корхонаси ишчи-хизматчилари фарзандлари ўртасида ташкил этилган "Баҳор болалар нигоҳида" расм чизиш танловида яна бир бор намоён бўлди.

Танловда ёшига қараб уч гуруҳдаги, яъни уч ёшдан беш ёшгача, олти ёшдан тўққиз ёшгача ҳамда ўн ёшдан ўн уч ёшгача бўлган болалар иштирок этишди.

— Хар бир гуруҳ учун алоҳида топшириқ берилди, — дейди корхона Миллий гоа тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул ходими Муборакхон Фафурова. — Энг кичик ёшдагиларга бўйиш вазифаси берилди. Ўрта гуруҳдагилар тасвирий санъат билан шуғулланишди. Улар ўзларига юклатилган топшириқни бажаришда бўёқлардан, қалам ва фломастерлардан фойдаланишди. Энг катта ёшдаги гуруҳ иштирокчилари асфалтга рангли бўёрдамида сурат чизиб, ўз маҳоратларини намоён этишди. Корхонамиз касаба уюшмаси кўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган танловимиз барчага манзур бўлди. Унда иштирок этган болажонларнинг ҳаммаси эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Мустаҳкам оила йили доирасида корхонада яна кўплаб ана шундай тadbирларни ўтказиш режалаштирилган.

М.ИДРИСХЎЖАЕВА

REYTING

ЭНГ КИММАТ САВДО БЕЛГИСИ (2012)*

| Ўрни | Бренд номи | Нархи (млрд.\$.) | 2011 йилги ўрни |
|------|--------------|------------------|-----------------|
| 1 | Apple | 182,9 | 1 |
| 2 | IBM | 115,9 | 3 |
| 3 | Google | 107,8 | 2 |
| 4 | McDonald's | 95,19 | 4 |
| 5 | Microsoft | 76,6 | 5 |
| 6 | Coca-Cola | 74,29 | 6 |
| 7 | Marlboro | 73,61 | 8 |
| 8 | AT&T | 68,87 | 7 |
| 9 | Verizon | 49,15 | 13 |
| 10 | China Mobile | 47,04 | 9 |
| 19 | Facebook | 33,2 | 35 |

*Маъна — BrandZ Top 100

Ёш авлод — жамият келажаги

28 май куни ТАТУ Фарғона филиали Телекоммуникация факултети, Фарғона политехника институти "Тилларни ўргатиш" кафедраси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг Фарғона вилоят бўлими ҳамкорлигида 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб Марғилон шаҳридаги 1-сонли Мехрибонлик уйида байрам тadbири ўтказилди.

Унда Мехрибонлик уйи тарбияланувчиларининг 144 нафарига байрамона кайфият улашилиб, турли чиқишлар, ашула ва рақслар ижро этилди ҳамда байрам дастури ижодкорлари томонидан эсдалик совғалари топширилди. Тадбирда сўзга чиққан телекоммуникация факултети декани Н.Жўраев, фалсафа фанлари номзоди Н.Усмонов, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғар-

маси вилоят бўлими директори Н.Худойбергандов, ФарПИ катта ўқитувчиси Г.Бурхоновалар болажонларни байрам билан табриклади.

Шуни айтиб ўтиш кераки, бу таълим муассасасида тарбияланаётган болажонларга таълим муассасасини тамомлаб, кейинги таълимга жойлашувлари учун катта ишлар амалга оширилмоқда. Дилноза Ҳақимова Мехрибонлик уйининг собиқ тарбияланувчиларидан бири. Бу истеъдодли талаба вилоят, республика миқёсида ўтказилаётган кўриқ-танловларда иштирок этиб, доимо фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Дилноза Мехрибонлик уйини тамомлаб, ФарПИ қошидаги академик лицейга, ундан сўнг ТАТУ Фарғона филиали телекоммуникация факултетига ўқишга кирган. Хозирда 4-босқич талабаси.

— Ҳеч қачон ўзимни ёлғиз сезмайман, чунки, атрофимда сиздай меҳрибон, қалби дарё устозларим, менга доим иссиқ бағрини очган Мехрибонлик уйи бор, — дейди Дилноза хаяжондан кўзига ёш олиб. Дилноза ўз икtidорини намоён қилиб "BEST SOFT UZBEKISTAN - 2012" Миллий дастурий маҳсулотлар кўргазмасида ўзи тарбияланган Мехрибонлик уйининг расмий вебсайти (www.MDM1.uz) лойиҳаси билан ғолибликни қўлга киритди. Эндиликда бу сайт орқали дунёнинг исталган нуқтасидан Мехрибонлик уйи ҳақида маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Т.НАЗИРОВ,
ТАТУ Фарғона филиали
МТМБ бошлиғи
А.КОДИРОВ,
ММИБ декан ўринбосари

Xalqaro hayot



ФРАНЦИЯ шу йил охиригача Афғонистондан жами икки минг аскарлик харбий контингентини олиб чиқиб кетмоқчи. Бу мамлакатда фақат ташкилий бўлима қолади.

Президент Франсуа Олланднинг сўзларига кўра, Афғонистондан қўшинларни олиб чиқиш режаси ҳар томонлама келишилган ва энг мақбул йўл. Унинг фикрича, бу логистика ва ташкилий соҳалардаги энг муҳим масала, "зиддиятларни чеклаш борасидаги ҳақиқий операция". Президент Афғонистонда қоладиган бўлима афғон армиясини ўқитиш, шифохоналар, аэропортларда хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, самарали полиция кучини ташкил қилиш билан шуғулланишини алоҳида қайд этди.

Эслатиб ўтамиз, Олланд президентликка сайланишидан анча олдин француз халқига 2012 йил сўнгигача Афғонистондан барча қўшинни олиб чиқишга ваъда берганди. Ўз навбатида, собиқ президент Николя Саркози буни 2014 йили амалга оширишни режалаштирган эди.

АМЕРИКАнинг учувчисиз бошқариладиган ашарати Яман жанубида "Ал-Қоида" жангариларидан беш нафарини йўқ қилган. Аввалроқ Жаар шаҳрида бўлиб ўтган жангда 11 нафар жангари ва беш Яман аскарлари қурбон бўлганди.

Яман ҳукумати Зинжибар устидан тўлиқ назоратни ўз қўлига олганини тасдиқламоқда. Бу шаҳар ўтган йили "Ал-Қоида" гуруҳи томонидан эгаллаб олинган эди.

ЛОНДОНда жойлашган "Инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича Сурия мониторинг маркази" (OSDH) 29 май куни Сурия худудидаги тўқнашувда ҳалок бўлганлар сони 98 нафарга етганини маълум қилган. Маълумотда қурбон бўлганларнинг 61 нафари тинч аҳоли вакиллари, 28 нафари харбий ва тўққизта си исёнчилар эканлиги таъкидланган.

ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИда овирлиги 467 қаратта тенг олмос топилиди. Хабарларга қараганда, ушбу олмос катталиги жиҳатидан дунёда йигирманчи ўринда туради.

ИТАЛИЯда беш бора кучли zilзила содир бўлган. АҚШ геологик хизмати маълумотига кўра, 5,8 балли биринчи энг кучли ер силкиниши Болона шаҳри (Эмилия-Романия маъмурий маркази)дан 40 километр шимол-ғарбда юз берган. Сўнг Верона, Модена ва Болона шаҳарларида 4,7 баллдан 5,6 баллгача яна иккита силкиниш кузатишган. Бешинчиси эса Парма шаҳридан 39 километр шарқда 5,1 баллга тенг бўлган.

Мамлакат фуқаро мудофааси хизмати хабар беришича, zilзилалар оқибатида 15 нафар киши қурбон бўлган ҳамда юз нафарга яқин одам жароҳатланган.

ТАИЛАНда тиббиётда ва пазандликда кенг қўлланиладиган сув ўтларидан турли кийимлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, бундай либослар инсон саломатлигига хавф солувчи ултрабинафша нурларидан тўлиқ химоя қилиш хусусиятига эга. Бу эса тери саратони ва хасталигига чалинишининг олдини олади.

Тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, шифобахш ўсимликлардан тайёрланган мазкур кийимлар кўп мартаба ювилганда ҳам охорини йўқотмайди. Уларни ишлаб чиқаришда муайян микдордаги пахта толасидан ҳам фойдаланилади.

Фарзандингиз мобил телефондан жуда кўп фойдаланаётгани сизни ташвишлантиряптими, унда айбни ўзингиздан қидиринг. Гап болага яхши тарбия берилмагани ёки унинг учун кўп вақт ажратилмаганида эмас — ҳамма гап генетик мойилликда. Бу ҳақда яқинда Twin Research and Human Genetics нашрида кизикarli мақола чоп этилди.

Генлар ва мобил телефон

Мақола муаллифларидан бири — Жеффри Миллернинг айтишича, бу истеъмолчиларнинг феъл-атвори ва генлари ўртасидаги боғлиқликка оид дастлабки тадқиқотлардан биридир. Олимлар 14-15 ёшли эгизакларни ўрганишди, уларнинг одоб-ахлоқи, феъли, интеллекти текширилди. Маълум бўлишича, ўспиринлар тез тез телефон кўнғирогини амалга ошириши ёки SMS йўллаши ирсиятга жуда боғлиқ экан. Ваҳоланки, бола вояга етатган муҳит, унинг ижтимоий келиб чиқиши, ота-она-

сининг саводхонлик даражаси ва даромади (шу жумладан, уларнинг болалари телефонига қанча пул ўтказиб бериши) каби бир қатор ташқи омиллар бунчалик кучга эга эмас.

Бундан ташқари, мазкур тадқиқот ақли кишилар камроқ кўнғирок қилишади (ёки, мақолада ёзилганидек, мобил телефонлардан фойдаланиш кетма-кетлиги ва интеллект даражаси ўртасида тесқари генетик корреляция кузатилади) деган хулосани ҳам келтириб чиқаради.

"Генлар фақат узок ўтмишдаги

жараёнлар билан боғлиқ дегувчилар катта хатога йўл қўйишади, — дея фикрини давом эттиради Миллер. — Ўз ишимизда ҳам бунга алоҳида урғу бердик — мобил телефон ёки компютер тарихи бир неча ўн йиллар билан ўлчанса-да, барибир, яширин генетик таъсир шаклланиши мумкин, бу одамларнинг ўзларини тутишида, кизиклишларида, ижтимоий муносабатларида юзага чиқаверади. Янги технологиялардан қандай фойдаланилаётганига қараб бу хусусиятлар кучли ёки кучсиз бўлиши мумкин".

XORIJYIY KOMPANIYALAR HAYOTIDAN

GOOGLE

Компания ўтган hafta семантик қидирув тизимини расман ишга туширди. Қидирув хизмати энди Knowledge Graph семантик технологиясига таянган ҳолда қидирув объекти ва фактларнинг ўзаро муносабатини ҳам инобатга олади. Хозирча янгиликдан фақат АҚШда инглиззабонлар фойдаланиш имкониятига эгалар.

Масалан, Мария Склодовская-Кюри ким деган саволга Google аънавий релевант натижалар, биографияси, фотосуратлари, илмий ишлари ҳақидаги маълумотлар билан бирга ёнма-ён панелда унинг турмуш ўртоғи, шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ҳам топиб беради.



MICROSOFT

Seoul Digital Forumda қатнашган Microsoft ижрочи директори Стив Балмер компаниянинг янги амалиёт тизими — Windows 8ни мақтовга кўмиб юборди. Унинг айтишича, корпорация шу пайтгача амалга оширган лойиҳаларнинг ҳеч бири кўлами кенглиги ва муҳимлиги жиҳатидан мазкур лойиҳага тенглаша олмас экан.

"Гап чин маънода Windowsнинг қайта тувилиши ҳақида кетмоқда, — дейди у. — Windows 8нинг ўзига хослигини "булут" сервислари таъминлайди ва компаниянинг бор умиди мана шу хизматларда".

Бу борада асосий рақобатчилар Apple ва Google бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, Балмер келгуси йили Windows 8дан кам деганда 500 млн. киши фойдаланишига ишонч билан қараяпти.



SAMSUNG

21 май куни Samsung Smart App Challenge 2012 — мобил иловалар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги халқаро танловга старт берилди. Мукофот жамғармаси — 4 млн. АҚШ доллари. 80та номзод голиблар қаторидан ўрин олишдан ташқари, ўз маҳсулотларини илгари суриш учун турли имтиёزلарни ҳам кўлга киритади.

Компания расмий матбуот-релизидида маълум қилинишича, танловдан асосий мақсад Samsung Galaxy Tab ҳамда Galaxy Note қурилмаларининг экотизимини кенгайтиришдир.



Дастур қилмоқчимисиз, Чинга марҳамат!

Хитойда мобил алоқа хизмати фойдаланувчилари 1 миллиардлик довонни забт этишганига бир неча ой бўлди. Хар йили Чин мамлакатидида абонентлар сони ўртача 80 миллионга ошиб борапти.

Аммо бу "музтоғи"нинг шунчаки сирти, холос: Хитой мобил алоқа борасида бамисоли "очилмаган кўрик". Тахлилчиларнинг ҳисоб-китоблари кўрсатишича, жорий йилда Хитой смартфонларни ишлатиш бобида АҚШни ортда қолдириши кутиляпти. Хитойликларнинг деярли 40 фоизи интернетта мобил телефон орқали киришади. Шундай экан, телефон учун илова ва дастур ишлаб чиқарувчиларни Хитой ўзига жалб этмай қолмайди.

Тўғри, интернетдан текинини кўчириб олишда хитойликларга етадигани йўқ. Бунинг чораси сифатида аввалга мобил илованин текин шаклини чиқариш ва миждода унга кўнма ҳосил қилдириш, сўнгра янада яхшиланган, кўплаб имкониятларга эга шаклини тақдим этиш (албатта, буниси пулли) талаб этилади. Хитойда махсулотга юқори нарх қўйиб бўлмади, майли бир неча цент бўлсин, барибир, тома-тома кўл бўлур — миллиардлик абонентлар базаси ҳазилкам кўрсаткич эмас.

Иккинчи йўли эса — ҳамма-мизга "кадрдон" реклама.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Мисол учун, интеллектуал мулк муҳофазаси хар доим ҳам қафолатланавермайди. Дейлик, кимдир телефон учун жуда зўр ўйин, дастур ёки илова яратди. 100 фоиз аниқ ишонч билан айтиш мумкинки, орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан унинг клони ҳам пайдо бўлади.

"Алло, мен мактабдаман"

Таълим муассасаларида мобил телефондан фойдаланишга чекловлар киритилди

Жорий йил 21 май куни Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида уяли телефондан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Қарорда таълим муассасаларида таълим-тарбия ишлари самардорлигини ошириш ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини ташкил қилиш борасида уяли алоқа воситасидан фойдаланиш тартиблари ўз аксини топган. Кўзда тутилган тартиб-қоидалар умумтаълим мактаблари, ўрта махсус таълим муассасалари ҳамда олий таълим даргоҳларида амал қилади. Ўз навбатида, ушбу қоидалар айни пайтда ҳам давлат, ҳам нодавлат таълим муассасалари ва мазкур муассасалар ходимлари учун ҳам бирдек тааллуқли.

Ушбу ҳужжатни қабул қилишдан асосий мақсад ўқувчиларнинг сифатли таълим олиш ва касбий амалиётга эга бўлиш ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларнинг саломатлигини асрашдан иборатдир.

Янги тартибга биноан, таълим муассасаси ҳудудига кирганда ҳар бир ўқувчи, ходим, меҳмон ва бошқа шахслар телефонини овозсиз тартибга ўтказиши керак.

Шунингдек, таълим муассасаларида ўтказиладиган ўқув машғулотлари (саф тортиш, тарбиявий соатлар, байрам,

спорт тадбирлари ва бошқалар) олдидан ўқувчилар қуйидагиларни бажариши шарт:

- телефонни ўчириб қўйиш;
- телефонни портфел (сумка)га солиб қўйиш.

Ўқувчиларга қуйидагилар қатъий тақиқланади:

- телефонни бўйинга осиб, кўкрак, шим, юбка чўнтакларидан олиб юриш;
- телефон батареясини қувват олдириш учун таълим муассасасининг электр тармоқларидан фойдаланиш;
- телефон ёрдамида атрофдагиларга зўравонлик, шафқатсизлик ва порнографияни тарғиб қилувчи видео ва фотосуратларни намойиш этиш;
- таълим муассасасининг имнига зарар етказиш, шу жумладан, зўравонлик ва вандализм сахналарини суратга олиш ва кейин уларни кўрсатиш.

Ўқув машғулотлари давомида қуйидагилар қатъий тақиқланади:

- телефонда гапириш ва SMS (MMS) ҳамда бошқа турдаги хабарларни жўнатиш;
- телефонни стол устига қўйиш;
- мусика тинглаш, шу жумладан, қулоқлик (наушник)лар орқали ҳам;
- телефондаги фото ва видеони кўриш (ўйин ўйнаш, тасвирларни томоша қилиш (мати, суратлар, видеоёзув, фотосуратлар), диктофон, калкулятор, таквим, блокнот, ёзув дафтари ва бошқа тартиблардан фойдаланиш;
- суратга олиш ва видеога тушириш;

- бошқа телефон хизматларидан фойдаланиш (GPRS, Bluetooth, интернет ва бошқ.).

Таълим муассасасида ўқувчиларга машғулотлар ва тадбирлар орасида телефондан (қўнғирок қилиш, SMS, MMS, GPRS-хабарларни жўнатиш, Bluetooth, интернет ва бошқа хизматлардан) фойдаланишга фақат ота-онаси (уларнинг ўзини босувчи кишилар), яқин қариндошлари, таълим муассасаларининг раҳбарлари ёки ходимлари билан тезкор боғланиш мақсадида ва фақат ўринли ва шойилч зарурат туғилган ҳолатлардагина рухсат берилади.

Машғулотлар ва турли тадбирлар оралиғида телефонда гаплашиш учун хонадан йўлакка ёки холлга чиқиб, мулоқотни секин ва қиска олиб бориш зарур.

Фавқулодда вазиятлар юзага келганда, таълим муассасаларида телефондан фойдаланиш чекланмайди.

Таълим муассасаси ўқувчилари ва бошқа ходимлари:

- ўқув машғулотлари пайтида телефондан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас;
- дарсдан ташқари пайтда ўқувчилар ёнида телефондан фойдаланишни максимал даражада қисқартиришга мажбур.

Талабларни бузган ўқувчиларга нисбатан қуйидаги чоралар қўрилиши мумкин:

- огоҳлантириш;
- қўндаликка ёзиш;

- ота-онасини (ёки уларнинг ўзини босувчи кишиларни) хабардор қилиш ёки тушунтириш суҳбатини ўтказиш учун таълим муассасасига чақиртириш.


Мазкур Низом талабларини бузган талабаларга нисбатан олий ўқув юртининг ички тартиби қоидаларига биноан чоралар қўрилади.

Талаблар бузилганида, таълим муассасасининг ҳар қандай педагогик ходими ўқувчидан телефонни олиб қўйиш, Низом бузилганлиги факти ҳақида ёзма ахборотни расмийлаштириш ва уни телефон билан бирга таълим муассасасининг директорига (деканига) ёки директор (декан) ўринбосарига, кейинчалик уни қондабузарлик факти ҳақидаги огоҳлантирув билан бирга ота-онасига (уларнинг ўзини босувчи кишиларга, олий ўқув юртларида — кураторга) бериш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир қондабузарлик таълим муассасасида ташкил этиладиган директор (декан) бошчилигидаги комиссиянинг ола-онаси (уларнинг ўзини босувчи кишилар) иштирокида ҳамда ота-оналар (талабалар) мажлисида муҳокама қилинади.

Таълим муассасаси ўқувчиларга тегишли телефонларнинг бутлиги учун жавобгар бўлмайд. Телефон таълим муассасасининг ходимлари томонидан олиб қўйиладиган ҳолатлар бундан мустасно.

Алоқа тарихи музейига махсус мукофот



Ўтган йили Музейларни қўллаб-қувватлаш республика "Ўзбекмузей" жамғармаси "Музей — халқ тарихининг кўзгуси" деб номланган республика кўрик-танловини эълон қилган эди. 18 май — Халқаро музейлар куни арафасида мазкур танловга яқин ясашиб, танловнинг турли номинациялари бўйича ғолиблари аниқланди.

Қувонарлиси, танловда Алоқа тарихи музейи ёш бўлишига қарамай кўплаб томошабинлар эътиборини қозongan музей сифатида махсус рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирланди. Музей жамоасини ушбу ютуқ билан табриқлаймиз.

Кўз қувнайди

Ўтган йили Юртбошимиз вилоятимизга ташрифи чоғида вилоят марказини янада обод, кўркем қилиш юзасидан ўз тавсияларини берган эди.

Шундан сўнг, орадан кўп вақт ўтмай, 2011 йилнинг 15 ноябрида Президентнинг "2012-2015 йиллар давомида Фарғона шаҳрининг ижтимоий ва транспорт-коммуникация инфраструктурасини қайта қуриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда гўзал Фарғонамида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кўриб кўз қувнайди. Олиб борилаётган ишлар, қўли гул қурувчи йўлдозу

мутахассислар, ҳиммати баланд ҳашарчиларнинг ғайрат-шижоати бизни беҳад тўлқинлантириб юборди.

Барпо этилаётган мухташам бинолар, кенг, раvon йўлу кўприклар, обод ҳибон ва гузарлар, замонавий тураржойлар, маҳалла-гузар масканлари — барча-барчаси кўрган кишини махлиб этади.

Дарҳақиқат, бугун Фарғонани улкан қурилиш майдонига киёслаш мумкин. Фарғоналик кексаю ёш ўзини дахлдор билиб, ғайрат-шижоат билан ташаббус кўрсатишга чин дилдан интилоқда.

Аскарали АНБАРЖОНОВ

"Энг яхши мутахассис" тақдимооти

Жорий йилда Самарқанд вилоятидаги 154та коллежни 102 мутахассислик бўйича 60,8 минг нафар ўқувчи битиради


Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоят прокуратураси ташаббуси билан воёга етмаганлар билан ишлаш комиссияси вилоятнинг 15та манзилда касб-хунар коллежлари битирувчи ўқувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида касбий йўналишлар бўйича иш берувчилар ва коллеж битирувчилари ўртасида тақдимотлар ўтказди.

Шу жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалида компьютер технологиялари йўналиши бўйича "Энг яхши мутахассис" ва "Энг яхши бизнес лойиҳа" тақдимооти бўлди.

Тақдимотда Самарқанд шаҳридаги алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига онд касб-хунар коллежларининг икtidорли ўқувчилари иштирок этиб, ҳар бирлари ўзларининг компьютер технологиялари соҳасидаги билим ва тажрибаларини, компьютерларни йиғиш,

компютер графикаси ҳамда веб-сайтлар яратиш борасидаги билимларини мохирона намойиш қилдилар.

—Уч йилдан буён телекоммуникация соҳасида таълим олашман, — дейди биз билан суҳбатда Самарқанд ахборот технологиялари коллежи телекоммуникация узатиш тизимларига хизмат кўрсатиш техник мутахассислиги битирувчи босқич ўқувчиси Махмуд Қодиров. —



Шаҳар телефон тармоғида ишлатиб келинаётган полиэтилен изоляцияли ва полиэтилен қобиқли мис ТПП кабеллари, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган замонавий, ўтказувчанлиги бир неча маротаба юқори даражадаги оптик толали кабелларни монтаж қилиш ва улар билан ишлашни ўқиш ва амалиёт давомида тўлиқ ўзлаштириб олди. Устозларин Шодиёр Эшмирзаев, Самариддин Чинниқулов, Наргиза Зиёевадан миннатдорман. Келажакда ўзим таълим олган коллежда қолиб ишлаш ҳамда ТАТУнинг Самарқанд филиалига ўқишга кириб, билимларини ошириш ниятидаман.

Тақдимот якунида ғолиб деб топилган икtidорли ўқувчилар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Абдуғафур ХОТАМОВ, "Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги муҳбири

Встреча с компанией "GENPACT"

24 мая 2012 года в Узбекском агентстве связи и информатизации состоялась встреча со старшим вице-президентом компании "Genpact" (Индия) С.Синх. Встреча организована в рамках реализации достигнутых договоренностей в ходе Государственного визита Президента Республики Узбекистан в Республику Индия в мае 2011 года, а также визита государственного министра связи и информационных технологий Республики Индия С.Пайлота в Узбекистан в октябре 2011 года.

Компания "Genpact", созданная в 1997 году, на сегодняшний день является одним из лидеров в сфере управления бизнес-процессов и информационных технологий в Индии. Она осуществляет деятельность в 16 странах мира. Общий объем дохода на конец 2011 года составил 1,6 млрд. долл. США. Количество сотрудников более 55 тыс. человек.

В ходе встречи обсуждены вопросы налаживания совместной деятельности по разработке и производству программных продуктов. Сторонами выражен интерес в дальнейшем поэтапном рассмотрении взаимовыгодных путей сотрудничества с учетом возможностей обеих сторон.

В рамках визита предусмотрены встречи в ряде ведомств, а также предприятиях сферы ИКТ.

aci.uz

История Хорезма на электронном диске

Историческое и культурное наследие — истоки духовности нашего народа — этой теме была посвящена конференция, прошедшая в областном центре духовности и просветительства. Актуальность темы, предложенная организаторами конференции — областным информационно-библиотечным центром и областным отделом республиканского центра по пропаганде духовности, состоит в том, что знать историю и культуру своей страны, своего края — естественная потребность каждого проживающего в нем человека.

Выступив перед научной общественностью республики глава нашего государства неоднократно подчеркивал, что, обращаясь к истории, необходимо исходить из того, что это память народа. Подобно тому, как не может быть полноценного человека без памяти, так и не может быть будущего у народа, лишенного собственной истории.

Вниманию участников конференции был предложен озвученный видеоролик "Хорезм", созданный работниками областного информационно-библиотечного центра. В комментарии к видеодиску зам. директора Э.Хамидуллиной и зав. сектором ИБЦ Н.Цой отмечалось, что Хорезм и его история привле-

кали и продолжают привлекать внимание многих исследователей. Археологи, этнографы, историки, лингвисты разных стран накопили огромный материал, дающий неоспоримые доказательства того, что на его территории находились один из древнейших очагов цивилизации.

Неизмеримо возрос он у наших современников, особенно молодежи, после обретения страной государственной независимости. У студентов вузов, учащихся колледжей и лицеев, общеобразовательных школ возникла естественная потребность знать историю и культуру родного края. Возросший интерес молодого поколения к истокам духовности национальной культуры и искусства побудил сотрудников ИБЦ создать видеоролик, материалы которого воссоздают историю Хорезма, отображают его самобытное искусство и культуру, рассказывают о сегодняшнем дне края, масштабных преобразованиях, произошедших за года независимости в экономике и социальной сфере.

Просмотрев видеоролик участники конференции дали высокую оценку его идейному содержанию и оформлению. В своих выступлениях ведущий специалист Хорезмского регионального отде-

ления Независимого института по мониторингу формирования гражданского общества Г.Сапаев, проректор Ургенчского гос. университета С.Давлетов, зам. председателя областного кепгаша Народно-демократической партии Узбекистана А.Юсупов, ректор областного института переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров Б.Султанов, раскрывая содержание проводимой общественными организациями и образовательными учреждениями работы по духовно-нравственному воспитанию молодежи отмечали, что созданный в ИБЦ видеоролик "Хорезм" имеет большое познавательное значение и может служить учебным пособием в формировании гармонично развитого поколения.

Подводя итоги конференции, руководитель областного отдела по пропаганде духовности Х.Хайдаров отметил, что ее материалы будут способствовать формированию у молодежи высокой духовности и общественно-политической активности, окажут позитивное влияние на развитие исторического краеведения в Хорезме.

О.ДЕМЧИК,
ведущий библиотекарь
Хорезмского областного ИБЦ

Преимущества применений Цифровых радиорелейных линий на транспортных сетях

Особые свойства, которые отличают радиорелейную связь от традиционной проводной, делают ее все более привлекательной для использования в глобальных, региональных и местных сетях передачи данных. В тех случаях, когда требуется быстрое развертывание сетей передачи данных, обслуживающих подвижных абонентов, или в районах с неразвитой связной инфраструктурой, радиорелейной связью нет альтернативы.

Аппаратура РРЛ строится обычно по модульному принципу. Функционально выделяют модуль стандартных интерфейсов, обычно включающих в себя один или несколько интерфейсов PDH (E1, E3), SDH (STM-1), Fast Ethernet или Gigabit Ethernet или сочетание перечисленных интерфейсов, а также интерфейсы управления и мониторинга РРЛ (RS-232 и др.) и интерфейсы синхронизации. Задача модуля стандартных интерфейсов заключается в коммутации интерфейсов между собой и другими модулями РРЛ.

Цифровые РРЛ используются не только для организации PDH (Plesiochronous Digital Hierarchy — плезиохронная цифровая иерархия) и SDH (Synchronous Digital Hierarchy — синхронная цифровая иерархия) линий связи, а также для организации Ethernet линий со скоростью передачи до 2,5 Гбит/с связи без использования таких технологий, как EoPDH, PoSDH. Передача Ethernet кадров без необходимости инкапсуляции их TDM (time division multiple

— уплотнения с временным разделением) кадры (поток E1 или E3, фреймы SDH и т.п.) возможна благодаря использованию пакетного радиоканала вместо TDM радиоканала. Согласно технологиям, используемым для организации радиоканалов различают следующие виды цифровых РРЛ:

- пакетные РРЛ
- гибридные РРЛ
- TDM РРЛ

К пакетным относят цифровые РРЛ с пакетным радиоканалом. Для передачи TDM потоков используют псевдопроводные технологии передачи данных. За счет использования пакетного радиоканала возможно применение механизмов QoS (Quality of service — качество обслуживания) над потоками данных, передаваемых через пакетные РРЛ. Так же, в пакетных РРЛ наиболее часто используется адаптивная модуляция, обычно сочетаемая с QoS.

Спектр применения современных цифровых радиолиний достаточно широк, это объясняется тем, что они позволяют:

- оперативно наращивать возможности системы связи путем установкой оборудования РРЛ в помещениях узлов связи, используя антенно-мачтовые устройства и другие сооружения, что сокращает капитальные затраты на создание радиорелейных линий связи;
- организовать многоканальную связь в регионах со слаборазвитой (или с отсутствующей) инфраструктурой связи, а также на участках

местности со сложным рельефом;

- разворачивать разветвленные цифровые сети в регионах, больших городах и промышленных зонах, где прокладка новых кабелей слишком дорога или невозможна;

- восстанавливать связь в районах стихийных бедствий или при спасательных операциях и др.

Сеть РРЛ (радиорелейных станций) может строиться как однопролетная, многопролетная линия и радиорелейная сеть.

Однопролетная РРЛ состоит из двух территориально разнесенных РРЛ. Такие радиолинии создаются для соединения базовых центров сотовой связи.

Широкое применение получили малогабаритные, быстро разворачиваемые РРЛ диапазонов 18, 23 и 36 ГГц, которые способны передавать на расстояние до 25 км. как аналоговую (телевизионную), так и цифровую информацию (со скоростью до 34 Мбит/с).

Типичное применение цифровых РРЛ данных диапазонов — организация сетей местной связи, сетей сотовой и транковой связи. В последнем случае, как правило, применяются однопролетные РРЛ "базовая станция" — "базовая станция" и "коммуникационная станция".

РРЛ используются также вместо широкополосных оптоволоконных линий, создаваемых в городских условиях для связи между узловыми АТС и другими объектами связи. Такие РРЛ могут быть встроены в

телекоммуникационные сети, отвечающие стандартам SDH/SONET.

Основное назначение цифровых радиорелейных линий связи — создание транспортной инфраструктуры операторов связи на межзоновых, внутризональных и местных сетях, построение технологических линий связи, соединение скоростных сетей LAN, резервирование оптоволоконных линий связи.

Операторы сотовой связи активно используют цифровые радиорелейные станции для построения своей транспортной инфраструктуры.

Вилоятнинг 65та почта алоқаси объектида мижозларга электрон пул ўтказмалари хизмати кўрсатилиб, автоматлаштирилган тизимга ўтилган, мутахассисларга 82та электрон калит берилган. Икки йилдирки, Россия, Украина, Қозғоғистон, Молдова давлатлари билан электрон пул ўтказмалари амалга оширилиб келинмоқда. Янги ахборот технологияларини қўллаган ҳолда халқаро почта жўнатмаларига ишлов бериш, ҳисобга олиш, етказиб беришни назорат қилиш мақсадида "Рўйхатта олинувчи халқаро кирувчи почта жўнатмалари ўтишини назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими" янги коммуникацион технологиялар билан жиҳозланган. "Ўздунробита" хорижий қўшма корхонасининг Қарши ва Шахрисабз филиаллари билан курерлик хизмати йўлга қўйилиб, қиска муддатларда почта варақчалари, хатлар, бандероллар, жўнатмалар, тегишли ўровдаги босма нашрлар қўлдан-қўлга етказиб берилмоқда.

Фаолият кўрсатаётган ходимларнинг 173 нафари олий, 661 нафари ўрта-маҳсус маълумотга эга бўлиб, уларнинг касбий маҳоратини ошириб бориш, почта алоқаси соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда семинар машғулоти

мунтазам ташкил этилиб борилмоқда.

Эътиборли томони, обуна мавсумини ушшоқлик билан ўтказиш мақсадида алоҳида тайёргарлик қўрилади. Қабул қилинган обунанинг йиллик маълумот-

лари катта ҳажмда бўлганлиги сабаб, бу ҳисоботларни тайёрлашда филиал обуна бўлими маҳсус дастурий таъминот билан таъминланган. Ушбу дастур FoxPro дастурий тилида яратилган бўлиб, маълумотлар базаси SQL дастурида сақланади. Обуна ишлари бўйича мутахассис ушбу дастурдан хоҳлаган йилдаги буюртма ҳақида маълумот олади.

Жамият ва туман почта алоқаси тармоқлари билан обуна маълумотларини алмашиш учун электрон почтадан фойдаланилмоқда. Шуни айтиб ўтиш жоизки, барча туман почта алоқаси тармоқларида электрон почта мунтазам равишда ишлаб турибди. Бу эса иш самарадорлигини анча ошириб, қозғоғоз ва босма харажатларни камайтиради.

Вилоят бўйича 225000 нафардан ортиқ пенсионерга нафақа пуллари ишончли ҳамда ўз вақтида етказилишини таъминлаш, пенсия пуллариининг ўзлаштирилиши олдини олиш мақсадида филиалда ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳар ойда почта алоқаси тармоқлари ҳудудида яшовчи пенсионерлар билан иш режага асосан сўровнома-мониторинг ўтказиб борилади. Вилоятдаги маҳалла ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари номига сўровномалар ўтказиш йўлга қўйилиб, ҳудудлардаги почта алоқаси бўлиmlаридан аҳолига пенсия, компенсация, бир йўла тўловлар, почта алоқаси хизматларининг қай даражада кўрсатилаётганлиги тўғрисида фикрлар ўрганилиб, таҳлил этиб борилади.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири

Сифатли хизматга замин

Бугунги даврни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Зие маскани — ахборот-кутубхона марказлари ҳам компютер технологиялари ёрдамида янада тақомиллашиб бормоқда.

Сирдарё вилоят ахборот-кутубхона марказида вилоятдаги ахборот-кутубхона соҳасида фаолият юритаётган ходимларнинг малакаларини ошириш тизimini ташкил қилиш бўйича доимий равишда режалар иш олиб борилапти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ахборот-кутубхона марказлари барча ахборот-ресурс марказлари учун услубий марказ ҳисобланади. Ушбу қарор асосида АКМ вилоятдаги барча ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналар билан доимий равишда режа асосида иш олиб бормоқда. Ҳар йили ахборот-кутубхоначилик фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ўқув-семинар машғулоти ўтказилиб борилмоқда, кутубхоначилик ишини ташкил қилиш бўйича консултив, услубий ва амалий ёрдам кўрсатиб келинапти.

2006 йилдан бошлаб, ахборот-кутубхона маркази томонидан ахборот-ресурс марказлари ходимларининг малакаларини ошириш бўйича ўқув-семинар машғулотларини ўтказиш бошланган. Семинарлар "Компютер саводхонлиги ва интернет навигациялари асослари", "Фондларни бутлаш ва ҳисобга олиш", "Электрон каталогни ва хусусий маълумотлар базасини вужудга келтириш" каби долзарб мавзулар бўйича ташкил этилди.

АКМ фойдаланувчиларига компютерда ишлаш, интернет, Ziyonet тармоқларидан керакли маълумотларни олиш, ҳужжатларни нусхалаш ва сканерлаш, принтердан чиқариш каби хизматларни тақдим этиб келмоқда.

Ахборот-кутубхона марказида АРМларнинг автоматлаштирилган иш ўринларини яратиш ва кадрлар малакасини ошириш мақсадида 2011 йилдан то ҳозирги даврга қадар шаҳар ва туман ахборот-ресурс маркази ходимларидан 57 нафари ИРБИС ва КАДАТА дастурлари асосида электрон база яратиш бўйича ўқув курсларида тахсил олдилар.

Олиб борилаётган ишларимиз ўқувчиларимизга замон талаблари даражасида тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш учун замин яратади.

З.САРМОНОВА,
Сирдарё вилоят АКМнинг
иш-услубият бўлими
етакчи мутахассиси

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумийлиги дастурига мувофиқ, жойларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар таълим масканлари фаолиятини тубдан янгиламоқда.

Замонавий компютер синфи

Марғилон шаҳридаги 6-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабига ўн бешта замонавий компютер жамланмаси келтирилди. Компютер синфига мазкур техникалар ўрнатилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. — Алоқа ва ахборотлаштириш тизими жуда тезкор суръатларда ривожланаётган техника замонида ёшларимиз компютерни пухта ўзлаштиришлари, турли дастурларда ишлашни ўрганишлари зарур, — дейди мактаб директори, Ўзбекистон халқ таълими аълоҳиси Замира Давидова. — Шу маънода мактабимизга навбатдаги компютер жиҳозларининг келтирилгани келажақда яхши самара бериши шубҳасиз.

Ёшлар келажаги ва қамолотига қаратилган бундай ғамхўрлик юртимизда таълим-тарбия сифати янги босқичга кўтарилаётганидан даракдир.

Муҳаммаджон МАХМУДОВ

Доимий эътиборда

Бухоро вилоятининг Жондор ва Пешку туманларида фаолият кўрсатаётган саюват, транспорт ва алоқа касб-хунар коллежларида ҳозирги пайтда жами 3142 нафар ўқувчи таълим олмақда.

Иккала коллежда ҳам бўлажак мутахассисларнинг ўз танлаган ихтисосликлари бўйича чуқур билим ва малакага эга бўлишлари, кейинчалик уларнинг мустақил фаолият олиб боришлари учун барча шароитлар яратилган. Бу ерда, айниқса, иктидорли ўқувчи-ёшлар, шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари доимий эътиборда.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2011 йил 26 октябрда қабул қилинган "ЎзААА тизимидаги акциядорлик компаниялари, жамиятлари, корхона, ташкилот ва муассасаларининг Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда алоқа, ахборот ва компютер технологиялари йўналишидаги касб-

хунар коллежлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида"ги буйруғига мувофиқ, республикамизнинг бир қатор ўқув муассасаларида бўлганидек, Жондор ва Пешкудаги саюват, транспорт ва алоқа касб-хунар коллежларининг 9 нафар кам таъминланган ўқувчи-ёшларига жами 540 минг сўмлик спорт кийимлари топширилди. Шу муносабат билан ўтказилган йилги ҳудуд сўз олган ЎзААА вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Фахриддин Аллаев, мазкур касб-хунар коллежлари директорлари Ўктам Рўзиев, Аслом Қўчқоров ва бошқалар ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол ва соғлом вояга етиши учун мамлакатимизда барча шароитлар яратилганлигини, бунга жавобан эса иктидорли ёшлар юксак натижаларга эришяётганликларини таъкидладилар.

Асқар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг
Бухоро вилоятидаги мухбири

SAXOVAT

Ютуқларнинг қаноти

Инсон бир мақсадни кўзлаб, унга етишиш учун куч-ғайрат ва сабот билан ҳаракат қилса, албатта, ниятига етади дейишади. Малакали шифокор Кавсар ҚОДИРОВА ҳаёт йўли давомида ана шу ақида исботига кўп бор гувоҳ бўлди.

Болалигидан шифокор бўлиш орзусида астойдил ўқиб-ўрганган бу инсон ТошМИнинг даволаш факултетини, кейин интернатурани тамомлагач, темирйўлчилар поликлиникасида врач-терапевт бўлиб фаолиятини бошлади. Талабалик пайтида шифокорлик эл саломатлиги йўлидаги энг машаққатли, масъулиятли ва шарафли касб эканлигини англаб етгани боис ўз касбига садоқат билан ёндашиб, фидойи бўлиб яшашни ҳаётининг эзгу амалига айлантирди. Унинг халқ соғлиғини муҳофаза қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда тиббиётни ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини янада ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари бесамар кетмади. У бир неча йиллардан буён темирйўлчилар поликлиникасининг бош шифокори вазифасида ишлаб келмоқда.

— Айтиш жоиз, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, соҳага илғор технологиялар ва ютуқларни изчил татбиқ этишга қаратилган қарор ва фармонлари, бу борадаги кучли эътибор ва ғамхўрлик фаолиятимизни янада такомиллаштириб, темирйўлчиларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг юқори поғонага кўтарилишига замин яратди, — дейди Кавсар опа биз билан суҳбатда. — Соғлиқни сақлаш тизимидagi бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар мамлакатимизда тиббиёт соҳасини юксалтиришга, энг муҳими, аҳолининг тиббий маданияти янада ошишига муносиб хизмат қиладиган. Мени қувонтирган яна бир жиҳати, жамиятда шифокорнинг об-

Поликлиника-мизда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланаётганимиз ютуқларимиз омили бўлмоқда. Бу борада ходимларимизнинг билим ва кўникмаларини доимий ошириб бораёмиз.

рўйи, мавқеи ошиб борапти. Бу давлатимиз раҳбари томонидан соғлиқни сақлаш тизимига қаратилган юксак эътибор, соҳа ходимларининг моддий, маънавий манфаатдорлигини ошириш йўлида кўрсатилаётган чексиз ғамхўрлик ўз махсулини бераётганига бир мисолдир.

Кавсар опа болалигини эслаганида, қалбида ўқиниш хиссини туйди. Чунки отаси Разик Қодиров зиёли педагог бўлгани учун 1937 йилдаги қатагонларда Новосибирскка сургун қилинади. Ана шу сургунлик пайтида

дунёга келган Кавсар опа отасининг рўшнолик кўрмай ўтганини қалбида чексиз оғрик билан эслайди.

— Мустақиллик шарофати билан кўплаб қатагон қурбонлари қаторида отамнинг ҳам номи тўла оқланди, — дейди Кавсар опа. — Бунинг учун кўнглимда истиқлол берган ана шундай имкониятлар учун фахр хисси уйғонади. Энди бевосита фаолиятимга қайтадиган бўлсам, қарийб 18 йилдан буён шу даргоҳда бош шифокор лавозимида фаолият кўрсатиб келяман. Ишни бошлаган дастлабки кезларимда устозларим Нормат Эрметов, Шавкат Жўраевлар бир умрга етадиган касбий ва ҳаётий сабоқ беришган. Бунинг учун улардан миннатдорман. Мени яна қувонтирган бир жиҳати, фаолиятим мамлакатимиз темир йўл тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар билан ҳамоҳанг кечмоқда. Фахр билан айта оламанки, ўтган йигирма йил мобайнида ушбу соҳада асрларга татигулик ишлар ҳаётга татбиқ этилди. Айниқса, кейинги йилларда бу борадаги ишлар қўлами ниҳоятда кенгайиб, нафақат мамлакатимизда, балки халққаро миқёсда ҳам юксак эътирофга сазовор бўлмоқда. Кези келганда айтмай, "Аср қурилиши" деб ном олган Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлининг қуриб фойдаланишга топширилишига шифокор сифатида имкон даражасида ўз хиссамни қўшганимдан фахрланаман.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, тиббиёт соҳасида замонавий билим, малака ва тажриба ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Шу боис бугун поликли-



никамизда фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, уларнинг ўзаро тажриба алмашиши ва маҳоратини юксалтириш муҳим вазифалардан бирига айланган. Зеро, маҳоратли шифокоргина ўз билими ва малакаси билан беморлар кўнглига йўл, дардида дармон топа олади.

Поликлиникамизда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланаётганимиз ютуқларимиз омили бўлмоқда. Бу борада ходимларимизнинг билим ва кўникмаларини доимий ошириб бораёмиз.

Меҳнати туфайли халқнинг ишончига сазовор бўлган Кавсар Қодирова оилада ҳам бахтини топган инсонлардан. Ўғли Бехруз Жаҳон иктисодиёти ва дипломатия университетиди тахсил олмоқда.

Донишмандлар қушининг юксак-юксакларга парвоз қилиши учун кўшканти бўлиши керак дея нақл қилишган. Шундай экан, Кавсар опа ҳам оиласи, ҳам жамоаси билан кўшканти бўлиб юксак ютуқларни қўлга киритмоқда деб айтишимиз мумкин. Бундай ютуқлар кўп бўлсин!

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист

Гулнора иш бошлаган дастлабки кунидеъ устози Рая опа Головина "наушник"ни унинг кулоқларига тутиб қандай йўсинда ишлашини обдон тушунтирди:

— Аппаратдаги лампочкалардан бири ёнса, алоқани улаб, мурожаат қиладиган киши сўраган рақамни терасиз, жавобни қутасиз, сўнг чақирилаётган рақам билан улайсиз...

"Ие шу ҳам иш бўптими, оппа-осон эканку", ҳаёлидан ўтказди киз. Бу иш зериқтириб қўймаса эди.

Аммо ярим соат ичида хона ғалағовурга тўлиб кетди. Уч нафар телефончи қизда бир зум ҳам тиним йўқ. Мутлақо нотаниш одамлар "Мени фалон рақам билан уланг", "Фалон рақамдаги одам тезда мени топсин" дея тўхтовсиз талаб қилишарди. Шериклари симларнинг бирини ирғитиб, бирини қўйиб ишлаяпти. Анчайин совуқ, дағал овозларга парво қилишмайди. У бўлса ўзини йўқотишига бир баҳя қолди. Нима ҳам қиларди. Қўниқши керак. Илк навбатчилик кунини ишдан келдию аясининг саволларига узук-юлук жа-

Қуваликларнинг "Еттинчи" қизи

воб қайтариб, донг қотиб ухлаб қолди. Кунлар ўтган сайин ишига астойдил меҳр қўйди. Ишига берилгани баробарида жамоада, ҳаётда ўрнини топти. Унга ҳам меҳр бердилар. Нариги томондан келадиган овозлар ўзгариб, мулойимлашиб борди.

Ўшанда, салкам 31 йил муқаддам Кува телефон станциясидаги рақамлар бор йўғи 2000та эди. Телекоммуникация соҳаси ривожлана бориб, бу кўрсаткич 6000тагача етди. Замона зайли — телекоммуникация жиҳозлари такомиллаштириш билан айрим иш ўринлари ўз ўзидан қискарди. Шу жумладан, 07 хизмати телефончилари ҳам...

07 тўхтаса, ҳаёт тўхтади — Гулнора бунга жуда ишонарди. Лекин ҳаёт ўз сўзини айтади-да. Чорак асрдан ортироқ давр мобайнидаги иш тарзининг мутлақо ўзгариб кетиши ҳар қандай одамни ҳам довдиратиб қўйиши ҳеч гап эмас. Гулнора ҳам боши берк кўчага кириб қолгандек эди. Аввалига кўзига ҳеч нарса кўринмай қолди. 07 бўлмас

ҳам яшашни, ишлашни, жамиятга нафи етиши шарт. Халолу пок, пешона тери қилиб яшаётган, бориға қаноатда бўлган аёл ўзини турмушининг турли жабхаларида ишлаётгандек тасаввур қилиб кўрмоқча чоғландию бирор бир соҳага кўнгли чоғмади. Йўқ. Кетолмайди. "Телеком", Кува телекоммуникациялар боғламаси... О, бутун ёшлик куч-ғайратини, ақсалоҳиятини баҳшида этган азиз ва қадрдон маскани тарк этиш бунчалар қийин бўлмас! Аслида уни тетапоя қилган, эъзозу иқромларга сазовор этган ҳам шу муқаддас даргоҳ-да. Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги муносабати билан кўп йиллик самарали меҳнатлари, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қўнган катта хизматлари учун Президентимизнинг фармониға кўра "Шухрат" медали билан тақдирланган кунлар шуқуҳи ҳамон ҳаётини бебаб келди.

"Қаерга лозим топсангиз ўша ерда ишлашга розиман", — бу қарорға келгунча бошидан не-не ғалаёнлар кечди бир ўзим бир худо билди. Замон сенга бок-маса, сен замонага бок дейдилар. Тақдирга тан берди. Миҳозлар бўлими оператори вазифасида виждонан сидқидилдан ишлаб келётганиға ҳам, мана, беш йил бўлибди. Ишиға ва одамларға меҳр берган сира-сира кам бўлмас экан. 32 йиллик фаолияти мобайнида у меҳнатидан фақат яхшилик, фақат эзгулик кўрди. Соҳаси-

нинг жадал тараққий этиб, ҳар бир ташкилот, муассаса, ҳар бир оилаға интернет кириб бораётган даврда ишлаётганидан, иш жойи қисқарганда бошқа соҳага кетиб қолмаганидан хурсанд бўлади. Ўзимизда телекоммуникация жиҳозлари, моделлар ишлаб чиқарилаётгани, "ЎзМобайл" абонентлари кундан-кунға кўпайиб бораётгани нечоғлиқ қувончли! Соҳадаги бу оламшумул ўзгаришлар билан фахрланмай бўладими?! Худо хоҳласа, неваралар ҳам шу соҳаниннг жонқуярлари бўлиб қамолға етадилар.

Ҳа, Гулнораҳон касби билангина эмас, балки оиласи билан ҳам беҳад фахрланади. Турмуш ўртоғи Муҳаммадҷон билан ўзлари каби меҳнатсевар фарзандларни қаторға қўшдилар. Рустамҷон Акбаробод алоқа бўлими бошлиғи, Фарходҷон билан Фуқратҷон ота изидан боришмоқда. Дилнозаҳон мактабда бошланғич синфларға сабоқ беради. Келин қизи Моҳинур банкда оператор. Умрларини шод-хуррамликларға тўлдириб ўсиб бораётган уч нафар неваралари бор.

Қуваликларнинг "Еттинчи" қизи деб ҳурмат ва эътибор қозонган Гулнораҳон Аҳмедова эллиқ ёшнини нишонлади. Бувижонлик ва фахрийлик муборақ, Гулнораҳон!

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
"Xabar"нинг
Фарғона вилоятидаги муҳбири

Ўзида йўқ нарсалар учун ғам чекмайди, боридан қувонадиганлар ақли кишилардир.

Демокрит



(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Соғлом оила мустақкам бўлади

"Оиламизнинг спортга кизиқиши баланд, — дейди мусобака иштирокчиси, "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали ходими Акмал Дониёров. — Ўзим 7-8 ёшимдан буён спорт билан шуғулланиб келаман. 2008 йили оилавий спартакиаданинг республика босқичида 2-ўринни қўлга киритганимиз. Мана ҳамон оилавий мусобакаларда қатнашиб келямиз. Бундан кейин ҳам иштирок этиш ниятимиз бор".

"Спартакиада оиланинг саломатлигига муҳим ўрин тутди, — суҳбатимизга қўшилди Ўғилло Рашидова. — Айниқса, аёлларнинг спорт билан шуғулланишига катта туртки беради. Кўпинча, турмуш ишлари билан бўлиб спорт билан шуғулланишни четга суриб қўямиз. Соҳада ўтказилаётган бу каби мусобакалар эса бизга спорт билан мунтазам шуғулланиб туриш имконини беради. Чунки баҳслар туман, шаҳар босқичларидан бошланиб, сўнг вилоят, охири республика босқичига қадар давом этади. Спорт билан шуғулланган инсон соғлом бўлади. Ота-она соғлом бўлса, фарзандлар соғлом ўсади. Бундай оила мустақкам бўлади".

Ўғил болали оилалар баҳсида Сурхондарё шарафини химоя қилган Дониёровлар оиласи "Мустақкам оила — жамият таянчи" оилавий мусобакалари моҳиятига шундай таъриф беришди. Дарҳақиқат, соғлом муҳит шаклланган оилада тартиб, ўзаро қўллаб-қувватлаш, ҳамжиҳатлик ҳукмрон бўлади.

Ғолиблар алоқа соҳаси шарафини химоя қилади

Финал босқичида барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистондан келган ўғил болали ва қиз болали, жами 28та жамоа қатнашди. Улар вилоят, шаҳар босқичлари ғолиблари бўлганликлари сабабли баҳслар мурасиш курашларга бой бўлди. Ю.Салмов, С.Панов, В.Стариковлар ҳақамлигида спортнинг етти тури бўйича куч синашган жамоаларнинг тўплаган умий очколари ҳисобланиб, ғолиблар аниқланди. Унга қўра, қиз фарзандли оилалар ўртасидаги беллашувларда 1-ўринни Наманган вилояти жамоасидан А.Муллабоев оиласи эгаллади. 2-ўринга Қашқадарё вилояти жамоасидан С.Хушвақтова оиласи, 3-ўринга Жиззах вилояти жамоасидан Б.Эшонқулов оиласи лойиқ топилди.

"Алоқачилар оиласиданман, — дейди мусобака ғолиби, Ўзбектелеком" АК Наманган филиали Янгикўрғон телекоммуникациялар боғламаси Искотот АТС муҳандиси Алишер Муллабоев. — Отам ҳам телекоммуникация

соҳасида ишлаган ва спортга бефарқ эмас. Хозирга қадар ота-онам стол тенниси билан шуғулланиб туради. Ўша вақтларда мен кичкина бола сифатида оилавий мусобакаларда қатнашардим. Энди эса фарзандим билан баҳсларда қатнашяпман. 6 ёшимдан спорт билан шуғулланишим бу каби мусобакаларда муваффақиятли қатнашишга замин яратяпти. Ўз вақтида стол тенниси бўйича ёшлар ўртасида вилоят чемпиони бўлганман, талабалик даврида ТАТУ чемпионлигига эришганман. Мустақкам оила йили муносабати билан ташкил этилган мазкур мусобакага жиддий тайёргарлик кўрдик, белгиланган спорт турлари бўйича кўникмамизни оширдик. Натижада биринчи ўрин соҳиб бўлдик. Қизим эндигина 10 ёшга тўлган бўлса-да, спортнинг волейбол тури билан жиддий шуғулланади. Хар бир оила спорт билан мунтазам шуғулланиши лозим. Мусобакаларда оилавий бўлиб қатнашиш ўзаро жипсликни, ҳаётда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳиссини кучайтиради".

Ўғил фарзандли оилалар ўртасида ўтган мусобакаларда 1-ўрин Тошкент шаҳри жамоасидан М.Юсупова оиласига, 2-ўрин Хоразм вилояти жамоасидан М.Раҳимов оиласига, 3-ўрин Жиззах вилояти жамоасидан А.Муҳаммедов оиласига насиб этди.

Юсуповлар жамоасида кенжа вакил — 8 ёшли Муҳаммадкамрон Қобилов-

нинг иштироки барчада катта таассурот қолдирди. Айнан унинг чакқон ҳаракатлари бу оиланинг биринчи ўринни қўлга киритишида муҳим рол ўйнади. "6 ёшимдан буён ЖАР спорт мажмуасида катта теннис билан шуғулланаман, — дейди Муҳаммадкамрон, — бу спорт тури менга мусобакаларда эпчиллик билан ҳаракат қилиш, тез қарор қабул қилишга ўргатди. Бу кун мен учун эса қоларли кун бўлди. Бу ерда биринчи ўринни эгаллаган бўлсам, 2-синфини тўлиқ аъло баҳога битирганим муносабати билан мактабимизда сўнгги кўнғирокда менга фахрий ёрлик беришди".

"Бундай оилавий мусобакаларда биринчи бор иштирок этишимиз, — суҳбатни давом эттирди Одилжон Юсупов. — Шаҳар босқичида ғолиб чиққаннимиздан сўнг бир ҳафта давомида тайёргарлик кўрдик. Ўғлимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши бизга ёрдам берди. Фарзандларимиз, албатта, спорт билан шуғулланишлари керак. Бу уларнинг баркамол вояга етишларига замин яратяпти. Бундай тадбирларнинг ташкил этилганидан жудаям хурсандимиз. Ташкилотчиларга чексиз миннатдорлик билдираимиз. Беллашувлар баҳонасида иштирокчилар билан ақиндан танишдик, маданий хордик чиқардик. Энг асосийси, спорт — оиламизнинг, ҳаётимизнинг бир бўлаги эканлигини яна бир бор ҳис этдик".

Шундай қилиб, алоқачилар ўртаси-

даги мусобакада биринчи ўринни қўлга киритган оилавий жамоалар энди барча соҳалар ғолиблари ўртасида кечадиган республика финалида алоқа соҳаси шарафини химоя қиладилар.

Ҳам беллашув, ҳам ҳордик

Мусобакалар бўлиб ўтган ТАТУ дам олиш маскани Бўстонлик туманининг сўлими қишлоғида жойлашган. Иштирокчилар дам олиш масканининг қулай ва шинам хоналарига жойлашдилар. Улар учун қунига уч маҳал исик овқат ташкил этилди.


Беллашувлардан сўнг кўнғилдаги-дек хордик чиқаришлари учун ТАТУ талабаларидан иборат мусикачилар гуруҳи мусобака қатнашчилари хизматида бўлишди.

Ош фестивали

Бўстонлик сафарининг учинчи куни эрталабдан "Ош фестивали"га старт берилди. Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар босқичларида ғолибликни қўлга киритган ошпазлар финал беллашувида ўз маҳоратларини намойиш этдилар. 14та қозонда бир хил таом пиширилаётганлигига қарамай, пазандаларнинг услублари бири-бирига ўхшамасди. Иштирокчилар бу-хороча "софи оши"дан тортиб, хоразмча "сузма ош", самарқандча палов, наманганча булғор дўлмали ошининг тайёрланишини қузатдилар. Умуман олганда, барча вилоят вакиллари палов пиширишида ўз анъаналари борлигини яққол намойиш этиб бердилар. Миллий таомимизнинг бу даражада ранг-баранг услубда ва ўта маҳорат билан тайёрланганини қузатган ҳамда тановул қилиб кўрган У.Мунаввархўжаев ва Б.Ғоиповлардан иборат ҳақамлар хайъати айнан бир ғолибни ажратиб кўрсата олишмади. Шундай қилиб, барча иштирокчиларга биринчи даражали диплом ва совринлар топширилди.

Мусобакалар якунида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Халиқ Соатов барча ғолиб ва иштирокчиларни табриқлади. Ғолиб жамоалар ва барча жамоаларнинг ўғил ва қиз фарзандларига марказий кенгашнинг совгалари топширилди.


Лутфилло ТУРСУНОВ





Ёшлик ва нафосат тантанаси

Республикада Юртбошимиз ташаббуси билан ўтказилаётган уч босқичли "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақалари ёшларни нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга эришишида ҳам муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.



"Умид ниҳоллари-2012" Республика спорт мусобақалари финал босқичининг Навоий шаҳрида ўтказилиши нафақат спортчилар, балки барча учун унутилмас тарихий воқеа бўлди. Бундай аҳамиятли спорт байрамини ўтказиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш вазифаси навоийликлар зиммасига юкланган эди. Шу мақсадда меҳмонларни тантанали кутиб олиш ва кузатиб қўйиш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, мусобақалар ўтказиладиган ва иштирокчилар учун мўлжалланган яшаш жойларида тозаликни, озиқ-овқатларнинг сифатини таъминлаш, транспорт хизмати кўрсатиш, маданий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш, мусобақа жараёнини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, ҳудуд ва биноларни жихозлаш ҳамда бадий безаш, жамоат тартибини сақлашни таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, улар ўз вазифаларини намунали амалга оширдилар. Айтиш жоизки, мактаб ўқувчиларнинг катта спорт байрамига нафақат ташкилот ва корхоналар, балки Навоий шаҳри аҳолиси ҳам пухта тайёргарлик кўрди.

— Навоий вилояти аҳолисининг 128 минг нафардан ортқини 6-15 ёшдаги ўқувчи-ёшлар ташкил этади, — дейди вилоят

"Нуроний" жамғармаси раиси Жалил Норов. — Навоийда ўтган спорт мусобақалари — ёшлик ва нафосат байрами сифатида ёшларга ҳаётида унутилмас саҳифа очилиши табиий. Тадбирнинг тантанали очилишида ёшларнинг юз-кўзларидаги қувончни кўриб бунга амин бўлдик.

— Тантанали очилиш маросимида Юртбошимизнинг ёшларга йўллаган табригини тинглаб қалбимиз гурурга ва ифтихорга тўлди, — дейди Навоий шаҳридаги 16-ўрта умумий таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Бекзод Назаров. — Бошқа вилоятлардан келган тенгдошларимиз шахримизни кўриб, тоза-озода кўчаларимизга, ранг-баранг гулзорларга мафтун бўлиб қолганлигини эшитиш биз навоийликлар учун гурур, албатта.

— Амалга оширилган кенг миқёсдаги ободончилик ва бунёдкорлик ишлари шахримиз қиёфасини бутунлай ўзгартирди, — дейди ёш мутахассис Сардоржон

Жалилов. — Шаҳарнинг ҳар бир қаричи гулзорга айланди. Меҳмонлар олдида фахр ва ифтихор билан бошимизни баланд кўтариб юрдик. Шу азиз Ватанимизнинг ҳар бир қаричи муқаддас эканлигини яна бир қарра хис этдик.

"Умид ниҳоллари-2012" мусобақалари иштирокчилари ва меҳмонлар Навоий шаҳри маданият уйлари ижодий жамоалари санъатдан баҳраманд бўлдилар. Экскурсиялар ташкил қилиниб, спортчилар, мураббийлар ва меҳмонлар вилоятнинг Работи Малик, Сардоба, Қосимшайх мажмуаси, Мирсаид Баҳром макбараси ва бошқа тарихий ёдгорликлар билан танишдилар.

Спорт мусобақалари ўтказилган Ёшлар спорт мажмуаси ва бошқа иншоотларда замонавий ахборот-коммуникация воситалари ўрнатилиб, ахборот тайёрлаш ва ёритиш юқори савияда ташкил этилди.

Ниҳоят, қизгин беллашувлардан сўнг "Умид ниҳоллари"нинг ғолиблари аниқланди. 180 балл билан Тошкент шаҳри 1-ўринга сазовор бўлди. Иккинчи ўринни 178 балл билан Навоий вилояти спортчилари эгаллади. Учинчи ўринга 151 балл тўплаган Самарқанд вилояти ёшлари муносиб топилди. Ғолибларга Президентимиз совғаси — "Дамас" автомашиналари топширилди.

Эстафетани Хоразм вилояти ёшлари қабул қилиб олди. Спортсевар ёшлар олам-олам таассуротлар билан Навоийда орттирган янги дўстлари билан миннатдор хайрлашиб, ўз вилоятларига қайтдилар.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг
Навоий вилоятидаги мухбири

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладикки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"QWERTY GROUP" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ:

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003402 рақамли;

- шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003403 рақамли;

"TASHSOTTA'MIRQURILISH" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002000 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2012 йил 28 майдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом"нинг 52-бандига асосан "KREDIT-STANDART" очик акциядорлик-тижорат банкнинг (Тошкент ш.) маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003943 рақамли лицензия 2012 йил 28 майдан бекор қилинди.

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Кафедра мудири:
Фалсафа, Иқтисод, Иқтисодий назарияси, Техник таълим педагогикаси.

Профессорлар:
Техник таълим педагогикаси — 1.

Доцентлар:
Телекоммуникация узатиш тизимлари — 1,
Компютер тизимлари — 1, Информатика — 1,
Электрон тижорат — 1.

Катта ўқитувчилар:
Радиотехника ва радиоалоқа — 1,
Электроника — 1, Фалсафа — 1, Компютер тизимлари — 1, Чет тиллари — 1,
Менеджмент ва маркетинг — 1, Ўзбекистон тарихи — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:
Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари — 1, Техник таълим педагогикаси — 1, Чет тиллари — 2,
Фалсафа — 1, Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти — 1,
Телекоммуникация узатиш тизимлари — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Амир Темур кўчаси, 108-уй.
Телефон: 238-64-06

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан Элдор Болтаев номига берилган 12021-рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабидан БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси "Матбуот тарқатувчи" АК бош директори Сувон Нажбиддиновга укаси
Фарход НАЖБИДДИНОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Сурхондарё вилояти "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси жамоаси Сарносиё тумани "Матбуот тарқатувчи" ШК бошлиғи Жалил Мелиқуловга умр йўлдоши
Бибиражаб САИДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

"Матбуот тарқатувчи" АК жамоаси ва Кузатув кенгаши компания бош директори Сувон Нажбиддиновга укаси
Фарход НАЖБИДДИНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

NAZM GULSHANI

Тўлдиргин
(Бахшиёна)

Бир япроқ шохидан узилмас бежиз,
Хаётда ҳеч нарса кетмайди беиз,
Чекмайин десанг гар надомат, афсус,
Умринг шодасини дурга тўлдиргин.

Омонат айламай меҳру кадрни,
Минмайин отига захру каҳрни,
Кўнглиннга жо айла сидку сабрни,
Хар отар тонгингни нурга тўлдиргин.


Канотинг пастлаттин садоқат десанг,
Хосилин оларсан нимаки эксанг,
Кедар кунларингдан умидли эсанг,
Кўксингни офтоб эт, нурга тўлдиргин.

Тилиннга эрк берсанг бошиннга ташвиш,
Ўлчам-андозага ярашар хар иш,
Ақлу одобингни айлаб парварини,
Хаёт чаманингни гулга тўлдиргин.

Суюндик сўзларин омонат билма,
Насихат эшитсанг тинглагин, кулма,
Тириклик таниннга қиларкан жилва,
Охир-оқибатни дилга тўлдиргин.

Суюндик МУСТАФОЕВ

КРОССВОРД



1. Қишки транспорт. 2. Олий ўқув юртидаги юқори лавозим. 3. Қалдирғоч тури. 4. Одат; расм-русум. 5. Проза. 6. "... ва тинчлик" (Л.Толстой). 7. Инглиз адаби. 8. Танҳо. 9. Полшадаги шаҳар. 10. Осиёдаги денгиз. 11. Балиқ тури. 12. Сергак, хушёр. 13. Мумтоз шеърятда вази гуруҳларидан бири.

Тузувчи: С.ТЕМИРОВ

SO'RANG,
JAVOB BERAMIZ

Нотариал ҳаракат



— Нотариат тушунчаси ва унинг вазифалари ҳақида кенгрок маълумот берсангиз.

Зебо АВЕЗОВА,
Бухоро тумани

Нотариат — лотинча "notarius" сўзидан олинган бўлиб, "хат ёзувчи котиб" маъносини билдиради. Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органи ичида нотариат ҳам ўз ўрнига эга. Бинобарин, нотариат амалдаги қонунларда назарда тутилган нотариал, улар билан бевосита боғлиқ ҳуқуқий ва техник тусдаги ҳаракатларни нотариуслар томонидан амалга ошириш йўли билан жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий институтдир.

Нотариус ўз вазифасини турли битимлар, васиятномалар, ишончномалар, ҳужжатлар нусхалари ва имзонинг ҳақиқийлигини, фуқаронинг муайян манзилда эканлиги фактларини тасдиқлаш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш, мерос мол-мулкни кўриклашга доир чора-тадбирлар кўриш, ижро хатларини ёзиш каби нотариал ҳаракатларни бажариш йўли билан амалга оширади.

Давлат нотариал идораларининг республически Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридади.

Нотариал идораларининг ўзинга хос жиҳатларидан бири — нотариал фаолиятини амалга оширишда муносабатларнинг низоисиз хал этилишидир. Нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида бевосита фуқаролар билан мулоқотга киришиб, шубҳа туғдирмайдиган, бошқа шахсларнинг манфаатларига путур етказмайдиган ҳаракатларни амалга оширадилар. Нотариуслар бу тартибда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш орқали фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Амалиётда шундай ҳолатлар учрайдики, нотариал ҳаракатни амалга ошириш сўраб мурожаат қилган айрим тарафларга муайян бир битимнинг ҳуқуқий оқибати тушунтирилгандан кейин ҳам улар ушбу ҳолатга юзаки ёндашиб, натижасини чуқур ўйламастан қарор қабул қилишади. Кейин эса ушбу битимни бекор қилиш учун турли баҳона ва важлар билан тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 1147-моддасида эса бундай аризаларни бекор қилиш ёки қайтариб олиш мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Мухаммаджон ОЧИЛОВ,
Жондор туман 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

Энг кичик кутубхона

Британиянинг Уэстбери-саб-Мендип қишлоғи аҳолиси машҳур қизил телефон будкаларининг йўқолиб кетаётганига эътибор қаратишди — улар British Telecom алоқа операторидан шундай будкалардан бирини 1,65 долларга сотиб олишди ва ундан кичкинагина кутубхона ясади. Кутубхонага жавонлар ўрнатишиб, турли мавзудаги — ошпазликдан тортиб, эртақ ва классикагача бўлган китобларни жойлаштиришди. Кутубхона кечаю кундуз ишлади. Иш тартиби эса оддий — ўқувчилар жавонга ўқилган китобларни қўйишади ва янгисини олишади. Кутубхонадан, шунингдек, DVD дискларини ҳам топиш мумкин.



Ханда

— Шавкатжон, сен спортнинг қайси турини яхши кўрасан?
— Футболни.
— Кўчада тўп тепасанми ёки стадионда ўйнашни ёқтирасанми?
— Мен футболни телевизорда томоша қилишни ёқтираман, креслода ўтириб, қола ичиб...

— Қомрон, нега хар куни мактабдан кеч келяпсан?
— Даредан сўнг 2-3 соат қаратъ билан шугулланаяман.
— Яша, азамат! Қайси клубга қатнаясан?
— Чорраҳадаги интернет клубга.

Табриклаймиз!

"Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали жамоаси 229-ЭАТС оператори Тамара СЕЙТМУРАТОВАНИ муборак 50 ёши билан табриклайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узок умр, фарзандлари бахту қамоллини кўришни тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бухоро филиали Ғиждувон почта алоқаси тармоғи жамоаси Кўчка алоқа бўлими бошлиғи Бобожон ЯРАШЕВНИ 50 ёшга тўлиши муносабати билан муборакбод этади. Унга узок умр, мустаҳкам соғлиқ тилайди.

"Xabar" газетасида
реклама ва эълонлар қабул қилинади
Тел.: 288-40-72, 288-40-69
E-mail: info@xabar.uz

| | | | | | | | | | | | | | |
|--|--|--|---|---|---------------------------|-----------------------------|--------------------------|------------------------------|---------------------------|----------------------------|--------------------------|----------------------------|--------------------------|
| <p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусанд КҶЧИМОВ</p> | | <p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Шухрат АГАМУҲАМЕДОВ, Миродил САНГИЛОВ, Махсум МАҲМУДОВ, Шомансур АБИДХОДЖАЕВ, Сувои НАҶБИДИНОВ, Рустан ҚОСИМОВ, Абдуяни АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лutfилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p> | | <p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шохўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслидин БҶРИЕВ. Навбатчи: Собит АҲАДОВ.</p> | | | | | | | | | |
| <p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p> | <p>Газета ҳафтанинг жума куни чиқади</p> | <p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Мавзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p> | <p>Г-652 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 16517 нусха.</p> | <p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p> | | | | | | | | | |
| <p>Вилоят муҳбирлари:</p> | <p>Андижонда 226-47-80</p> | <p>Бухорода 223-27-85</p> | <p>Гулистонда 40-12-19</p> | <p>Житзаҳда 226-06-34</p> | <p>Навоийда 225-91-10</p> | <p>Наманганда 232-97-86</p> | <p>Нукусда 554-35-45</p> | <p>Самарқандда 233-61-81</p> | <p>Термизда 224-06-12</p> | <p>Тошкентда 288-40-66</p> | <p>Урганча 226-37-16</p> | <p>Фарғонада 224-91-56</p> | <p>Қаришда 314-08-99</p> |